

# Uzbekiston adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2016-yil 14-oktyabr №42 (4389)

ТўЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАМАҲУМ,  
ЖОҲИМ СЕНТА ФРИДО, ЎЗБЕКИСТОҲИМ!



## ЎЗБЕК ПАХТАСИННИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

12-13 октябр кунлари пойтахтимизда XII Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтди.



Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎЗА) олган сурат.

Йилдан-йилга нуфузи ортиб, дунёнинг турли мамлакатларидаги бизнес ҳамкорлар эътиборини жалб этаётган мазкур пахта бозорида 550 минг тонна ўзбек пахта толасини сотиб олиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича 1 миллиард 322 миллион доллардан зиёд микдордаги шартномалар имзоланди. Бу жаҳон бозорида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотларига талаб катта эканининг яна бир исботи бўлди.

Қирқдан зиёд мамлакатнинг ишбилармон доиралари вакиллари, эксперт ва мутахассислари иштирок этган анжуманда юқори сифатли пахта толаси етиштириш ва савдо қилиш, шу йўналишда самарали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Хитой, Россия, Европа Иттифоқи давлатлари,

Япония, Бангладеш, Бирлашган Араб Амирликлари, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлар вакиллари билан ўзаро манфаатли шартномалар тузилди.

Мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозоридаги салоҳияти мунтазам

ортиб бораётир. Ўзбекистонда нафақат пахта толаси ишлаб чиқариш, айна чоғда, тўқимачилик саноати ҳам изчил ривожланмоқда. Хорижий ишбилармонлар Ўзбекистон тўқимачилик саноатига инвестиция сарфлашдан манфаатдор.

Мисол учун, бугунги кунда "Ўзбек-енгилсаноат" акциядорлик жамияти тизимида 400 дан ортиқ корхона фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 200 дан зиёди қўшма корхоналардир. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги билан тайёрланаётган кийим-кечаклар дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатига экспорт қилинмоқда. Бу жараёнда Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси муҳим бозор вазифини ўтаётир. Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарининг хорижда ҳам қирқдан ортиқ савдо уйлари ташкил этилган.

Мамлакатимизда 21 ҳудудий пахта терминали, транспорт инфратузилмаси ва кенг тармоқли йўналишлардан иборат замонавий логистика тизими муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ушбу тизимда ўзбек толасини етказиб бериш қўламини мунтазам кенгайтириш, янги транспорт йўналишлари ишлаб чиқилмоқда. Анъанавий ярмарка миллий иқтисодий тизимда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни чуқурлаштириш, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш йўлида муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз.

Жорий йилнинг 13 октябр кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарган мажлисда сайловга тайёргарлик кўришга доир масалалар кўриб чиқилди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш масалаларига бағишланган тадбирлар режасини муҳокама қилди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказишда участка сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юкланади. Шу боис Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ҳамда уларнинг сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича кўникмаларини мустаҳкам-

лашга йўналтирилган семинар-тренинглари ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Тадбирлар республика, ҳудудий ва маҳаллий босқичларда ўтказилиши кўзда тутилган. Бунда республика семинар-тренинги онлайн шаклида Республика матбуот марказида, ҳудудий ва маҳаллий семинарлар бевосита ҳудудларда ташкил этилиши белгиланган. Семинарларда

участка сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш ва унга ўзгартишлар киритиш, муддатидан олдин овоз беришни ҳамда сайлов кунини овоз беришни ташкил қилиш, кузатувчилар институти аҳамияти, сайлов жараёни очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли сингари жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Б.БОЗОРОВ,  
ЎЗА муҳбири

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТўРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифининг бажарувчининг тақдиримасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- Куйидаги маҳқумлар:
  - аёллар;
  - жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
  - 60 ёшдан ошган эрақлар;
  - чет давлатлар фуқаролари;
  - Амнистия тўғрисидаги Қарор кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда I ёки II гуруҳ ногиронлари, шунингдек сил касаллигининг фаол шаклига чалинган (диспансер ҳисобида I ва 2 гуруҳ) деб эътироф этилган шахслар жазодан озод қилинсин.
- Ушбу банднинг амал қилиши:
  - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида, 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларга;
  - тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукми қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.
  - Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукми этилиб, тузалмиш йўлга қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.
  - Мазкур Қарорнинг 1-бандида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.
- Ушбу банднинг амал қилиши:
  - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган, шунингдек ўта оғир жиноятни содир этган шахсларга;
  - тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукми қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.
  - Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукми қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон

ган жазо муддати — учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жиноятни учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукми қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукми қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

7. Ушбу Қарорнинг амал қилиши — узок муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукми қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган; афв этиш ёки амнистия тартибида илгари жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо алмаштирилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

8. Ушбу Қарорга мувофиқ асосий жазодан озод этилган маҳқумлар қўшимча жазолардан озод қилинмайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли кўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши тартиб-таомилларининг очиқ-ошқора амалга оширилишини таъминлаш устидан бевосита сенаторлар, депутатлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари иштирокида таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини ташкил этсин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киридаи ва у ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **Н.ЙҮЛДОШЕВ**  
Тошкент шаҳри,  
2016 йил 12 октябр

Мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг раҳнамолиги ва бевосита муаллифлигида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқчиллиги, эзгуликка йўғрилган миллий ва умуминсоний ғояларни ўзида мужассам этгани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоясини таъминлаш борасидаги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига тўла мослиги билан юртимиз раўнақи, халқимиз фаровонлиги, эл-улусимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

## ЭЗГУЛИК ВА РАҲМДИЛЛИК ИФОДАСИ

Шу нуқтаи назардан ҳар йили Конституциямиз қабул қилинган кунни нишонлаш арафасида амнистия тўғрисидаги ҳужжатларнинг эълон қилинишида чуқур маъно ва мазмун бор. Зеро, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида» ги халқаро пактда «Амнистия, афв этиш ҳамма ҳолларда тўхфа этилиши мумкин» лиги тўғрисидаги қоида белгилаб қўйилган. Шунингдек, бундай қоидалар Конституция ва қонунари-мизда ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида" ги Қарори қабул қилиниши давлатимиз инсонпарварлигининг, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланганининг, амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мазмун-моҳиятини теран намоён этишининг ёрқин ифодаси бўлди.

Қарорнинг биринчи бандида асосан, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эрақлар жазодан озод қилинмоқда. Бу ўз ўрнида воғға етмаганлар,

мехнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани, Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши каби Конституциямизда белгиланган нормаларнинг амалдаги ифодасидир.

Азалдан халқимиз аёлга муҳтарамга зот сифатида алоҳида ҳурмат, эҳтиром кўрсатиб келади. Бугун биз аёллари улуғланган инсонпарвар юртда яшаётимиз. Албатта, оилада аёлнинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Библия-билмай йўл қўйган хатолари, ҳаётдаги адашишлари туфайли жиноят содир этиб, жазо муддатини ўтаётган хотин-қизларимиз ортида уларнинг оиласи, фарзандлари тақдири турибди. Тан олиб айтиш керак, аёл киши учун "жиноятчи" деган тамгани кўтаришининг ўзи оғир. Шундай экан, тўғри йўлдан адашган хотин-қизларга яна бир имконият бериш, ҳаётда муносиб ўрнини топишига қўмақлаш инсонпарварликнинг энг олий қўринишидир.

Айни пайтда, мазкур амнистия қарори асосида ёшларни жазодан озод қилишнинг аҳамияти бекиёс эканлигига ҳам алоҳида

эътибор қаратиш зарур. Зеро, ёшлар томонидан жиноят содир этилиши, уларнинг бу йўлга қилиб қолиши, аввало, бизнинг, улар яшаётган маҳалла ва жамоатчиликнинг ҳам маълум маларнинг амалдаги ифодасидир.

Шу маънода жиноят содир этган айрим ёшларни жамиятга, соғлом маънавий муҳитга қайтариш — жамият ва давлат зиммасидаги муҳим вазифа, дейиш мумкин. Шунингдек, олтимиз ёшдан ошган эрақларнинг жазодан озод қилиниши юртимизда кексаларни эъозлаш, уларга гаҳмўрлик қилиш халқимизга хос фазилятлардан бири эканини намоён этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан қабул қилинган мазкур қарор халқимизнинг бир-бирига нисбатан кеҳиримлик, бағрикенглик, ўзаро аҳиллик каби олижаноб фазилятларининг ёрқин ифодаси бўлиб, жамиятда барқарорликнинг янада мустаҳкамлашига хизмат қилади.

Гулистон  
АННАҚИЛИЧЕВА,  
сенатор

# ГУЛЛАРГА БУРКАНГАН ШАХРИМ

### Қорақалпоғистон пойтахти Нукус кўчалари бўйлаб сайр қилар эканман, ҳар қадамда улкан бунёдкорлик манзараларидан қалбим чексиз фахр ва илҳомга тўлади. Айниқса, сўнгги уч-тўрт йил ичида жонажон Ўзбекистонимизнинг қадимий ва навқирон шаҳарлари қатори Нукусда ҳам замонавий шаҳарсозлик асосида катта қурилиш ишлари амалга оширилди.

Албатта, халқимизнинг бунёдкор меҳнати билан барпо этилаётган ҳар бир иншоот, кўча кўприклар, истироҳат боғлари миллитимизнинг бой тарихи, қадриятларидан дарак бериб турибди. Нукус шаҳри кундан-кунга замонавий қиёфа касб этмоқда. Кўрмак, обод, гулларга бурканган шаҳар кўчаларининг нурафшонлигидан кўнглига ёруғлик инеди. Бу гўзалликлар истиқлолимизнинг шарофатидан.

## Эл обод — дил обод

Шаҳар марказидан оқиб «Дўстлик» канали соҳиллари обод қилиниши тўғрисида хабар бердик. Булар ҳаммаси эл-юрт фаровонлиги учун...  
Қишлоқдаги ўзгаришларни кўриб қалбим ғурурга тўлади. Фермер Қобил Искандаров қишлоқ спортчиларининг ишончли ҳамийси. Унинг ташаббуси ва савий-ҳаракати билан футбол майдони ташкил этилибди. Майдон футбол ишқибозлари билан гавжум. Фермер энди волейбол ва теннис майдонларини қуриш ниятида.

— Шу йил фойдаланишга топширилган «Гулшан» маданият ва аҳоли дам олиш марказидаги тўғарақлар ҳам ёшлар ихтиёрида, — дейди ҳамроҳим. Кейин машинасини янги асфалтланган кўча томонга ҳайдайди. — Ана, эртақлар шаҳарчасига ҳам келиб қолдик.

Туман марказида қишлоққа киравиришдаги замонавий усулдаги намунали уй-жойлар ҳақиқатан ҳам эртақлар шаҳарчасининг ўзи! 56 та уй-жойда бирин-кетин ҳовли тўйларни ўтказилапти.

Тўқин элга тўйлар ярашади, деб бежиз айтишмайди. Қишлоқимизнинг кундан-кунга чирой оцаётганини, гуллаб-яшнаётганини кўриб кўнглим ғурурга тўлади. Ҳамюртларимизнинг ана шундай бахтли яшашини учун бир умр тиниб-тинчиманг фидойи Юртбошимиз, озод Ватанимизнинг Биринчи Президентини амалга ошириб кетган хайрли ва улғувор ишлар ўз мевасини бермоқда. Бугун она диёримизда ҳар бир соҳа ривожига берилаётган доимий эътибор тўғрисида иқтисодий юксалишлар, изчил ислохотлар барқарорликка эришилди.

Мустиқлик тўғрисида ҳақиқатан ҳам халқимизнинг боши баланд, руҳи тетик, умидлари билик дунё. Тинчлик ва оқибатлик ҳукм сураётган юрт одамларининг нафақат қадди, балки қадри ҳам баланд. Қадди тик, қадри баланд, шу билан бирга маънавияти юксак халқнинг йўли ёруғ ва нурафшондир.

**Абдулла АЙИЗОВ,**  
журналист

худудида барпо этилган кенг майдон арчалар, манзарали дарахтлар, турли анвойи гулларга бурканган.

Хиёбон ўртасидаги замонавий фаввора йўловчи ва меҳмонларнинг ҳордиқ олишлари учун имкон яратиб, вокзал кўрғини кўрқ қўшмоқда. Айни кунларда шаҳарнинг экотизимини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам тахсинга сазовор. Бир пайтлар шаҳарда ер ости сувларининг юқорилиги, тупроқ шўрлиниши натижасида дарахт ва гулларни ўстириш анча қийин кечган бўлса, сўнгги 20-25 йил ичида, шаҳарда бундай муаммоларга маҳаллий аҳоли билан ҳаммаслаҳат барҳам бериш йўллари топилмоқда.



Шаҳарда ер ости дренаж тизимининг ишга тушиши, оқова сув йўллари таъмирлаш натижасида бинолар атрофи, ҳовлиларга экилган мевали ва манзарали дарахтлар авж олиб ўсмоқда.  
Амударё бўйида қад ростлаган навқирон Нукус шаҳрининг кўксига мамлакатимизнинг Биринчи Президенти таққан «Дўстлик» ордени ярашиб турибди. Бугун нафақат меннинг она шаҳрим, балки бутун Ўзбекистон гуллаб-яшнамоқда. Ана шундай обод ва озод юрт тинчлигини кўз қорачиқидек асраш, Биринчи Президентимиз кўрсати берган йўлдан оғишмай нури келажақ сари одим ташлаш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

**Рауаж ОТАРБАЕВ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

## Шаҳрим — фаҳрим

Иккинчи қаватда автомат, симулятор (муғомбирона ўйин) ўйинчоқлар майдончалари, шунингдек, ташриф буюрувчиларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олган ҳолда ресторан ҳам очилган. Учинчи қаватда тўртта залдан иборат кинотеатр, ертўлада эса quest room, лазер трек (спорт ўйини) — пойга ёки ким ўзар учун мўлжалланган махсус доирасимон майдонча, кўрқин-



даги аттракционларнинг олти хили мавжуд. «Қоялар майдони», «Арқонли шаҳарча» каби аттракционлар, 1000 квадрат метрдан иборат «Болалар майдончаси» истироҳат боғининг кўрқинга кўрқиб турибди. Боғда уч қаватдан иборат усти

чи ҳона ва лабиринт хонаси жойлашган.

Лойиҳада кўзда тутилганидек, Истироҳат боғининг таққини кўришига ҳар йили ўзгариш киритиш билан бирга, аттракционларга ҳам турли замонавий анимациялар жорий этиб борилади.

Энг муҳими, «Анҳор-Локома-» даги аттракционларнинг олти хили мавжуд. «Қоялар майдони», «Арқонли шаҳарча» каби аттракционлар, 1000 квадрат метрдан иборат «Болалар майдончаси» истироҳат боғининг кўрқинга кўрқиб турибди. Боғда уч қаватдан иборат усти

**Ориф ЖУМАЕВ,**  
Тошкент «Иқтисод-молия» наشريёти катта муҳаррири

Касби туманидаги Маймаоқ Қашқадарё вилоятининг энг қадимий ва аҳолиси кўп қишлоқларидан. Муродбахш ота, Соҳиб Мулла Жалол, Луқмони Ҳаким, Ҳазрати Имом, Ғойиб ота, Насафий зиёратгоҳлари, кўҳна сардоба, қишлоқ ҳудудидан Буюк Ипак йўлининг ўтгани, ўзбек халқ достони — «Ёзи билан Зебо» воқеаларининг худди шу масканда кечгани Маймаоқнинг ўтмишидан, олис тарихидан далолат беради.

Қишлоқ аҳолисининг адабиётга алоҳида меҳри баландлиги боис, бирор бир давра йўқки, шеърятсиз ўтса. Яхши шеърни даврдошлар мароқ билан тинглашиб бахшлашадилар. Шунинг учун бу қишлоқда истеъдодли ижодкорлар ҳам талайгина. Масалан, Шами шоир номи билан эл ҳурмати қозонган Шомурод бахши куй-

ри фойдаланишга топширилди. Ҳуқуқ хоналари, спорт заллари, кенг ва ёруғ кутубхоналар ўқувчилар ихтиёрида. Ёшлар компютер технологияларини, чет тилларини чуқур ўрганишяпти.

Ҳа, қишлоғимиз кўчаларини айланиб, бунёдкорлик ва ободончилик ишларидан кўнглим қувончга тўлади. Ҳаёлга толаман. Отам ва онам етти ўғил, кетганидан шикоят қилиб, «Жон опа тезроқ бормасангиз бўлмайди», дея илтижо қилишарди. Онам ноилж нон ёпишни кўшни хотинга, сигир соғишни бизларга тайинлаб шошилчин ёрдамга ошиқардилар. Кун бўйи ишдан ҳориб келган онам рўзгорининг минг бир ташвишига кўмилар эди. Шу заҳоти қайси бир қишлоқдошимиз на-

# ҚАДДИ ТИК, ҚАДРИ БАЛАНД

лаган достон ва термаларни кексаларимиз яхши эслашади. Афсуски, Шами шоир куйлаган халқ оғзаки ижоди намуналари магнит тасмаларига ёзиб олинмаган.


Маймаоқликлар хунармандчиликда ҳам бири бирига устоз, бири бирига шогирд. Миллий хунармандчилигимиз анъаналарини эъозлаб келаётган каштачилар, қўлигил чеварлар тайёрлаган миллий услубдаги маҳсулотлар доимо харидордир.

Эл қорига яраб, чиройли ва бежирим бешиқлар, эшик ва деразалар, нақшинкор дарвозалар, сўйилар ясаيدиган уста Ҳасан бобо номини ҳамқишлоқлар доимо ҳурмат билан тилга олишади. Бугунги кунда уста Ҳасан бобонинг фарзандлари, набира ва эваралари ота-боболари касб-хунарини эъозламоқда. Уста Мустафо бобо, уста Шаймурод, уста Гулмурод, уста Музафар, уста Элмурод... бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Қишлоқдаги бунёдкорлик ишларини кўриб кўзингиз янада қувнайд. Айниқса, ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитларни айтмайсизми.

— Бир пайтлар ён атрофимиздаги қишлоқ болалари ҳам Қосондаги мактабда ўқишарди. Транспорт қайда дейсиз, узоқ масофага пиёда қатнардик, — дея ҳижоя қилади Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Нормат Тилоков. — Кейинчалик муаллимлар уйларда дарс ўта бошлашган. Ўқитувчилар деярли йўқ ҳисоби эди. Мана, энди қаранг, биргина бизнинг қишлоқдаги бешта умумтаълим мактабда ёшлар замон талаблари асосида таълим олишяпти. Иккита болалар босчаси кичкинтойлар ихтиёрида. Бу кунларга беадд шукроналар айтсак арзийди. Маймаоқ сановат касб-хунар коллежининг замонавий, кўрмак биноси қишлоғимиз чиройига янада чирой қўшиб турибди. Бу ерда ёшлар ўнлаб касб-хунарларни кунт билан ўрганишяпти.

Дарвоқе, қишлоғимиздаги илм масканлари истиқлол йилларида кўрамлашди. Узоқ йиллардан буён орзу қилиб келинган замонавий мактаб бинола-



уч қизни вояга етказиб, уйли-жойли қилишди. Оиладаги ҳамма фарзандлар ўқимишли, эл хизматида. Улар ёшларга — фарзанд ва набираларга болаларга ўзлари гувоҳ бўлган дамларни айта беришар, «Бундай замон қарерда эди, болаларим!» дея мустиқликнинг, тинчликнинг, тўқинликнинг қадрига етишимизни тақдор ва тақдор ўқтиришарди.

## Она юртим — олтин бешигим

Ҳамқишлоқларимиз узоқ йиллар шифокор бўлиб эл соғлиги йўлида хизмат қилган онажонимга «Уч авлод дояси», «Ўзимизнинг Гаваҳр момомиз» дея таъриф беришади. Бунинг боис, ўтган асрнинг 50-60-йилларида қишлоқда санокли шифокор фаолият юритган. Кўшни Карлик, Катагон, Месет қишлоқларида эса бирорта шифокор бўлмаган. Ҳа, пайтларда кенг тарқалган юқумли касалликлар билан оғриган беморларни узоқ шаҳарлардаги шифохоналарга олиб бориб ётқизиш имконияти йўқ эди. Ҳатто ҳомиладор аёллар турмуш ҳолини билангили билишмаган.

— Ҳеч эсимдан чиқмайди, — дея бизларга сўзлаб берадилар Рафтоат олам, — эндигина бир беморга укол қилиб келган онам уй юмушларига унмаган заҳоти ҳамқишлоқлардан бири уйимизга келиб хотинини дард тутганини айтса, яна бири ўли ёки қизининг ҳарорати кўтарилиб

гимизда бир пайтлари бармоқ билан санарли дўхтирлар ишлаган бўлса, эндиликда олий маълумотли шифокорлар кўпайиб борапти. Касалхона, иккита қишлоқ врачлик пункти, «Маймаоқ» санаторияси, асфальт йўллар, кенг ва озода кўчалар... Бу кунларнинг қадрига етишимиз керак, болаларим!

Қишлоққа борганимда ҳали у қариндошимизнинг қизини узатгани, яна бир ҳамқишлоғимизнинг уй тўйи қилгани устидан чиқдим.

— Қизик замоналар ўтди-да, ака. Бир пайтлар фақат қишда тўй қилинган. Сабаби, одамлар йилнинг уч фаслида даладан бери келмасди. Пахта мавсуми нақ январгача давом этарди, — дейди ҳамроҳим, тадбиркор Элмурод Раҳмонов. — Йиғим-терим якун топган қишлоқ бригадирлари бир жойда тўланиб, бу йил кимнинг тўйи бўлишини аниқлаб, тўй кунини белгиларди. Хуллас, февралнинг

дан келтирилган. Картинг машиналар хилма-хил: болалар учун, бошловчилар учун, маҳоратли хайдовчилар учун ва жуфт бўлиб

дан келтирилган. Картинг машиналар хилма-хил: болалар учун, бошловчилар учун, маҳоратли хайдовчилар учун ва жуфт бўлиб

дан келтирилган. Картинг машиналар хилма-хил: болалар учун, бошловчилар учун, маҳоратли хайдовчилар учун ва жуфт бўлиб

дан келтирилган. Картинг машиналар хилма-хил: болалар учун, бошловчилар учун, маҳоратли хайдовчилар учун ва жуфт бўлиб

дан келтирилган. Картинг машиналар хилма-хил: болалар учун, бошловчилар учун, маҳоратли хайдовчилар учун ва жуфт бўлиб

дан келтирилган. Картинг машиналар хилма-хил: болалар учун, бошловчилар учун, маҳоратли хайдовчилар учун ва жуфт бўлиб

дан келтирилган. Картинг машиналар хилма-хил: болалар учун, бошловчилар учун, маҳоратли хайдовчилар учун ва жуфт бўлиб

дан келтирилган. Картинг машиналар хилма-хил: болалар учун, бошловчилар учун, маҳоратли хайдовчилар учун ва жуфт бўлиб

21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинган кун

# ОНА ТИЛИМИЗ ЖОЗИБАСИ

Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ва дунёда кенг эътироф этилган ўзига хос шундай урф-одатлари, анъана ва қадриятларимиз борки, уларни бошқа халқларда учратиш қийин. Ўзбекхона дутф ана шулардан бири.

Тил халқнинг, миллатнинг тарихи, маданий мероси, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналарини ўзида мўжассам этган буюк ҳазинадир. Ҳа, она тилига эга бўлиш ва унинг ривожланиши миллатнинг маънавий ўзлигини ифодалайди. 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши халқимизнинг миллий мустиқлигига эришиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлган эди. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, ўзликни англаш, миллий онг ва таваққурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби тилимиз тараққиётда ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Турли даражадаги расмий учрашув ва музокараларда ўзбек тили кенг қўлланаётгани, хоризждаги қатор таълим даргоҳларида, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, уларда ўзбек тилини ўрганишга қизиқувчилар кўпайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Тилимизни эъозлаш, ёш авлодни она тилига ҳурмат руҳида тарбиялашда буюк аجدдоларимиз ҳаёти ва фаолияти катта ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Бунга буюк мутафаккир Алишер Навоий ижоди ёрқин мисол бўла олади. Улут сўз санъаткори ўзининг нафис шеърини орқали тилимизнинг беқиёс гўзаллиги ва бой имкониятларини намоён этган бўлса, илмий асарларидан унинг ривожланиш йўлларини тахлил қилган.

Она тилимизнинг беқиёс имкониятларини ўрганиш, асраб-авайлаш муҳим вазифалардан биридир. Ўзбек тилини кўпол бузиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Ҳа, она тилини ҳурмат қилган одамгина бошқа тилни ҳам ҳурмат қилади, уни сиққидилан ўргана олади. Бошқа тилда бийрон сўзлаш яхши, аммо бу ўз она тилини унутиш эвазига бўлмастлиги керак. Зеро, она тилисиз инсоннинг маънавий-руҳий илдизлари соғлом бўлмайди.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**  
ЎЗА муҳбири

Абдулвоси УБАЙДУЛЛАЕВ

# ВАТАН МАДҲИ

Юрагида эзгулик нури порлаб турган ҳар бир инсон қалбида Ватанга муҳаббат, гурур алангаси ёниб туради. Унинг ютуқларидан қувонади, гўзаллигидан фахрланади. Мени ҳам мустақил мамлакатимизнинг чорак асрлик шарафли тараққиёт йўли давомида ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, улкан ободонлаштириш ишларидан, буюк ўзгаришлардан фахрланиш туйғуси чулғаб олди. Юрагим тубидаги ёниқ туйғуларимни оқ қоғозга туширдим.

Муаллиф



## БЕТИМСОЛ БУГУН

**Ватан** — бу туғилган муқаддас замин, Севгис юракка кетган қорилиш. Юртинг жамолга боққанинг сайин, Қоронги оламлар кетар ёришиб.

**Ватан** — бу бебаҳо хилқатдир, билсанг, Ундан айрилганлар бахтини топмас. Дунё бойликларини бир ерга йиғсанг — Бир ҳовуч тупроғи қадрича бўлмас.

### ЮРТ ИШКИДА

**Ватан** — буюк, қутлуғ макон, бошланиши останади. Ўзи отанг, ўзи онанг, бошинг узра парвонадир.

Аждодларинг дуо айтган, авлодларинг мадҳин битган, Қондошларинг қўлини тутган, бир Қазъан қононадир.

Унда бордир эзгу ҳиммат, тупроғидан увар неъмат, Хориждаги ўша жаннат, ишонмагин — афсонадир.

**Бобонг хоки ётар бунда,** момонг хоки ётар бунда, **Зиёрат қил уни қунда,** бундай макон бир донадир.

**Гурур айла, кўтар бағринг,** ота-она улугларинг, **Ака-ука уруғларинг,** йўқлагувчи ҳамхонадир.

**Шоирларинг сени ўйлаб,** эзгуликни ўтар қуйлаб, **Ватан мадҳини шир айлаб,** юрт ишқида девонадир.

Истиқлолдан обод бўлди уйларимиз, Тенглашмоқда жаҳон билан бўйларимиз, Серфайз эрур кундан кунга тўйларимиз, Озодликни кўз-кўз қилиб дунёларга, Бугун боқинг, бизлар қурган биноларга.

Гулзор қилдик гуллар шаҳри Намангонни, Обод қилдик Бобур севган Андижонни, Чул ўрнида барпо этдик Гулистонни, Овозаси етиб борди самоларга, Бугун боқинг, бизлар қурган биноларга.

Ғанимлар ҳам ҳайрон бугун, ақли шошиб, Яшмоқда ўзбек аҳли, меҳри тошиб, Пулат излар етиб келди доvon ошиб, Сўзлари ҳам қорингандир наволарга, Бугун боқинг, бизлар қурган биноларга.

Андижондан чиқди учқур тулпорлари, Чавандози мағрур, ўзбек шунқорлари, Манзил томон илдам борар бу норлари, Тулпорлари бўй бермаган сабoларга, Бугун боқинг, бизлар қурган биноларга.

Сарҳадида камол топди аждoдлари, Олимлардан олтин мерос иждoдлари, Меросини асраб оқил зурриётлари, Авлодлари ҳайкал тиклар бoбoларга, Бугун боқинг, бизлар қурган биноларга.

**А.УБАЙДУЛЛАЕВ 1955 йили Наманганда туғилган. 2014 йилда “Шукроналик шўъласи” шеъррий тўплами нашрдан чиққан. Шеърлари Республика матбуоти саҳифаларида чоп этиб келинмоқда.**

## Қатра

Инсон дунёга келганидан бошлаб, ҳаётининг дастлабки етти йили мобайнида меҳр-муҳаббат билан тарбия қилинса, кўнглида заррача кемтиклик бўлмас экан. Бу “захира” унинг бутун умр атрофдагиларга яхшилик улашиб яшашига етади.

Кимгадир кераклигини ҳис эта олган киши ҳеч қачон тушкунликка тушмайди. Бунга ҳаётда мисоллар кўп. Шифохонага кимнидир кўргани бордир. Ховлида бир бемор ўзи хаста ҳолида юрган бўлса, сизни байрам билан қутлади. Беихтиёр сиз ҳам Яратгандан унга саломатлик сўраб дуо қилдингиз.

Катта кўчада тўсатдан қоқилиб кетдингиз. Нотаниш кимса тезгина қўлингиздан ушлаб, «Эҳтиёт бўлинг», дея сизни суяб қолишга тутинди. Шу бир жумла сўз кўнглингиздаги ҳавотир, хижолатлики тумандай тарқатиб юборди. Миннатдор бўлдингиз.

Кеч қуз, салқин ҳаво этингизни жун-



# МЕХР ЗАХИРАСИ

жиктириб юборди. Совуқ қотдингиз. Меҳрибон ҳамроҳингизнинг бериб кетган ёпинчиги эмас, эътибори қалбингизни илтиди.

Ишдан кеч чиқдингиз. Аксига олиб ёнингизда пул йўқ. Такси тўхтатиб, йўл ҳақини уйдан олиб беришингизни айтдингиз. Ҳайдовчи рози бўлди. Аммо манзилга етгач, пулни кутмай «Йўлим эди», дея жўнаб кетди. Тушуниксиз ҳаяжон ва ички мамнунлик билан унга оқ йўл тиладингиз.


Сабоқларда доимо сиз билан баҳс-мунозара қиладиган курсдошингиз бор. Фурсат етди дегунча у билан тортишса бошлайсиз... Бир кун дарса дўстидан ҳушдан кетиб қолдингиз. Кўз очсангиз, шифохонадасиз. Кейин билишингизча, ўзингизни йўқотганингизда биринчи бўлиб

«рақиб»ингиз ёнингизга келиб, юқори қаватдан паства олиб тушган. «Тез ёрдам» чақиртирган... Ҳозир эса ноҳужа айтган ҳар бир гапингиз учун уялиб юрибсиз.

Бу воқеалар ҳар дақиқа, ҳар сонияда сиз-у биз билан содир бўлиши мумкин. Оламни тугиб турган нарса шу эмасмикин? Ҳаётни ҳамisha яхшилик сари ўзгартириб бораётган инсонлар даврасида эканингиздан юрагингиз бир олам завққа тўлади. Уларнинг меҳр-муҳаббат ришталари сизни ҳам шундай яхшилар сафига қўшилишга чорлайди. Атрофимиздаги олам эса мана шу муқаддас, аммо кўринмас ришталар орқали янада мунаввар бўлиб бораверади.

**Махсума ОКЎЗИЕВА,**  
журналист

Менгзиё Сафаров 1938 йили Денов туманининг Хайрoбoд қишлоғида туғилган. 1962 йили Тошкент давлат университетининг тарих ва қадим-шунослик факултетини битирган. Дастлаб Ўзбекистон халқлари тарихи музейида илмий ходим, ундан сўнг ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. «Сурхон тонги» газетасида, вилоят радиошўхиратиш кўмитасида турли вазифаларда фаолият олиб борди. Бир неча йил Термиздаги «Пайғамбар ороли» кўриқхонасида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлади. Йигирма йил давомида Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг Сурхондарё вилоят бўлимини бошқарган. Унинг «Она ер қўшиғи» (1969), «Турналар учади» (1972), «Олис қирлар ортида» (1977), «Повест ва ҳикоялар» (1978), «Она тупроқ қўшиғи» (1989), «Табиат эҳроми» каби китоблари нашр этилган. Ўзига хос асарлари билан адабиётимизга катта ҳисса қўшган Менгзиё Сафаров 1994 йили вафот этган.



Йилқилар чошгоҳга бориб ҳолдан тойдим. Улар ёлғизоёқ йўлдан бошларини этганича, бир-бир қадам ташлаб боришарди. Эрталаб узoқ сафарга отланишайтганда анча-мунча нағма кўрсатган икки ёш айғир ҳам ҳовуридан тушган, баъзан бирон йилки яқин келиб қолгандагина гужури кўтарилиб, сўқмоқдан чиқар, бошини кўтарганича бор овози билан кишнашарди. Айғирлар ҳушёр келаётган Азимнинг амирони кичкиришидан сўнггина тинчланишарди. Унинг ёрдамчиса Самад ҳам чарчаган бўлиб, отларни қистамас, уларни ўз ҳолига қўйиб, эгарга бир ёнбош бўлиб ўтирганича Азимнинг тўнғич ўғли Камол билан гап ташлашиб келарди.

Камол ўтган йили мактабни тугатиб, олий ўқув юртига кирмоқчи бўлиб, Термизга борган эди. Бироқ у таваккал иш тутмади, ўз имкониятини чамалаб кўриб, қурилиш техникумига ҳужжат топширди. Ўғлининг қандай касбни тутуши, қайси ўқушга кириши Азим учун барибир эди. У ўғлининг хоҳиш-истағи билан қизиқмас, бутун эркин унинг ўзига бериб қўйганди. У фақат, ўғлим ўқини истабдим, ўқисин, бўйинсаларидан ортада қолиб, кўнгли ўқисмасин, деб ўйлади. Шунинг учун ҳам Камол ўқушга кириб,

### Менгзиё САФАРОВ

# ШОҒЛАРДА ТУЛХАН ЭНАДИ

уйга хурсандлигидан терисига сиймай келганида ҳам пинагини бумзади. Аксинча, ўғлини енгилтақликда айблади. Камолнинг мамнун ва бахтиёр кўзларига тик қараб:

— Хей, ўғлим, нимасига мунча севинсан, ўқушга кирибсан, яхши. Лекин ўқушнинг тоғ одамига нима нафи бор? — деди ўсмоқчилаб. — Ота-бобонг, инчунин, мен ҳам ўқимай бир кунимизни кўриб юрибмиз.

Отанинг бу гаплари Камолнинг ҳафсаласини пир қилди. У то шаҳарга қайтгунча ўзини отасидан олиб қочиб, ётсираб юрди.

Бу йил ёзги таътилга келган Камол Азимнинг кўзига бошқача кўринди. Бўйи чўзилган, юзига хуснбузар тошганидан уялиб, ўзини ноқулай сезиши, кўзларида илгарилари пайкамаган қандайдир паришонлик отанинг кўнглини юмшатди. У энди ич-ичидан қишлоқдаги йигитлардан кийиниши, юриш-туриши билангина эмас, балки хулқ-атвори билан ҳам алоҳида ажралиб турадиган ўғлига кўпчиликининг ҳаваси келаётганини сезмасдан иложи йўқ эди. Кеча эса «Яй-

етиб олайлик. Ўтин-пўтинни кун ёруғида термасак, момоларинг тайёрлаб қўйгани йўқ у ерда. — У шундай деди-да, отини йўрттириб, олдинга ўтиб кетди.

**Хикоя**

Заркoса — тоғнинг энг баланд чўққиси. Унинг этаклари анча текис бўлиб, йилқиларни ёзда боқиш учун жуда бop яйлов эди. Йилнинг ҳамма фаслларида бу ерда кучли шамоллар бўлиб туради. Ёзнинг ўрталарида ҳам унинг ёнбағирларидаги баланд арчазoрлар тағида қор эримайди. Шамол турган пайтларда эса чор-атрофдаги ўрмон ваҳимали шовиллайди. Қордан эндигина бўшаган соя-салқин ерларда баъзан бойчечаклар кўзга чалиниб қолади. Бўтакўзлар эса бутун сайхонлик, арчалар орасидаги очик майдонларда гиламдек сарғайиб ётади. Бу ерда қиш билан саратон қўшни яшайди. Кундузи ёз бўлса, кечаси қиш. Кундузи кўкрагини шамолга бериб майкачан чопиб юрган киши, кечаси пўстинда совқотади. Камол шаҳарда юриб ана шу тез ўзгарувчан манзара ва дақиқаларни соғинган эди. У ҳали узoқдан Заркoса чўққисининг кўрғoшин рангли елкаларига кўзи тушиши билан болалигидан азиз бўлиб қолган шу ёввойи табиат кучоғига қайтганидан шодланиб кетди.

Отаси билан Самад қўшхона тиклашга киришиб кетишганда, Камол арчазoр оралиб юрарди. Усти сарғайиб, гард ва барглари билан қопланган қорни гарч-гарч босиб бораркан, арча ва бошқа турли гиёҳларнинг ҳидини ҳузур қилиб сипқорарди. Қуюқ ўрмонзор ичига киргач, қалин қор устига чўққалаб ўтирди ва қорни қовлаб, тоза еридан бир чангал олиб каппалади.

Қўшхонага қайтиб келганида Самад унинг қўлидаги қорни кўриб:

— Ҳой, нодон, қор ема, бу ерда томоғингни даволайдиган дўхтир холанг йўқ, — деб калака қилди.

— Нима, шаҳарда юриб нозиклашиб кетган, деб ўйлаясанми бизнинг ўғлини, — деди Азим брезент чодиринг учидаги ипни қозикқа тортиб боғларкан.

Камол бу ҳазил гапларга ҳам, атрофини ўраб турган арчаларга ҳам, чўққилар, аллақачон яйловга ёйлиб, бош кўтармай кўкат қавшаётган йилқиларга ҳам боқиб тўймасди. Камол ҳуржундан аркон ва болтани олди-ю, чопқиллаганича ўрмон ичкарисига кириб кетди.

Кеч кирди. Атрофдаги арчалар қоронғилик қўланкасида кичрайгандек, ярим белгича тоғ бағрига кириб кетгандек, энди эса тоғ ўрқалари ва улар устида осилиб турган юлдузли осмон салобатли бўлиб қолди. Камол ўрмон ичидан қуриган шoҳ-шаббаларни орқалаб ташиди. Сўнгги марта отасининг: «Бас, етар», деган эътирозига ҳам қарамасдан Самад билан бориб катта арча шохини судраб келди. Шундан сўнг очик жойда гулханга ўтин қалади. Самаднинг тоҳати тоқ бўлди.

— Ёксанг, ёқ-да, — деди зорланиб.

— Ҳали барвақт, соат тўққиз бўлсин, — Камол тунда рақамлари ёнадиган соатига қаради.

Камол рoппа-рoса тўққизда гулханны ёндириб юборди. Тамадди қилаётган Азим билан Самад дастлаб дастурхон бошида бамайлихотир ўтиришди. Кейин аланганинг қизғиш тиллари тобора юқорига ўрлағач, дастурхонни судраб орқага чекиннишди. Бирпасда атроф ёришди. Қоронғида кичрайиб кўринган арчалар яна салобатли бўлиб қуринди.

— Ўрин солинлар, мен йилқилардан хабар олиб келай, — деб кўзғалди Азим.

Камол гуриллаб ёнаётган гулханга ўзини тоб-

лар ва йироқларда, арчалар ортида кўринаётган водийдаги сон-санoқсиз чироқларга тикилар эди.

— Ҳой, бола, нега қаққайиб қолдинг? — Самад унинг елкасига туртиди.

— Мана бу ўқунлар анави чироқларга ўхшайди-я, — деди талмовсираб Камол. — Самад ака, Денов шаҳри қаерда, бир кўрсатинг? — Деновинми? Ху ана, гужжа чироқлар ёняпти-ку, ўша. Нима эди? — Узим, шундай.

— Менга қара, — деди синчковлиги тугиб кетган Самад шаҳар номини эшитиб гумонсираб. — Шаҳардан биронтасини топдингми, дейман?

Камол ялт этиб қаради ва Самаднинг нигоҳига тоб беролмай кўзларини олиб қочди.

— Ҳа, боласи тушмагур, — Самад кўрсатқич бармоғини бигиз қилиб ўдағайлади. — Ҳали шундай де. Айт-чи, исми нима?

— Нималар деяйсиз?

— Гапир, бўлмаса отанга айтаман!

— Кейин... Ана, отам келяпти...

— Бўпти, лафзингда турасан-а?

— Ҳўп.

Самад зўрма-зўраки йўталиб, ўрин сола бошлади.

— Мен чарчадим, ухлайман. Сизлар отлар-

дан хабардор бўлиб туринглар, — деди Азим ва ечинмасдан шoлчинг кетидаги ўринга кириб чўзилди. Камол билан Самад гулхан атрофида ўтириб Азимнинг уйқуға кетишини куттишарди. Ниҳоят, узoқ чўзилди кетган жимликни биринчи бўлиб Самад бузди:

— Қани, энди айт.

— Секин, эшитиб қолади, — шивирлади Камол.

— Эшитмайди, айтавер.

— Нима қизиги бор сизга?

— А-ҳа, ҳали айтмайсанми?

— Айтаман дедим-ку. Ҳеч кимга оғзингиздан чикармайсизми?

— Одам эмасман.

— Бўпти... Исми Ойхол.

— Ойхол? Яхши исм экан. Ўзим ойда ўхшайдимми?

— Ким билади дейсиз.

— Севиб қолдингми?

Камол елкасини учирди.

— Ота-онаси яхши одамларми?

— У ёғини суриштирганим йўқ.

— Шаҳарнинг ўзиданми?

— Ҳа.

— Бечора укам, шаҳарлик бўлса, тагин лақиллатиб юрган бўлмасин.

— Йўғ-э. Биз хайрлашаётганда келишганимиз: мен беш кун тоғда гулхан ёқаман, у эса қарайди. Гулханны кўриб, менинг ёққанамга ишонади.

— Эй, содда укам. Гулханны нимаси? Нима, тоғда сандан бошқа киши гулхан ёқмайди?

— Менинг гулханны ҳаммасиникидан катта. Ўзи айтган: гулхан ёқасиз, мен гулханны кўриб сизни кўргандай бўламан, деган.

— Ҳозир мана, сен гулхан ёқдинг. Ойхол шунга қараб турганига ишонсанми?

— Ишонаман.

— Қизик... Мен ишонмайман.

— Сиз сиз-да. Мен ишонман. Худди ҳозир ҳам мен билан бирга, мени кузатиб ўтиргандек. Ху, чироқлар кўринаяпти-ку, шу чироқларнинг ёруғида у ҳам мен тўрғимда хаёл сурапти.

— Айнибсан, ука. Ёшинг нечада?

— Ўн саккизда.

— Чиндан ҳам гўдақ экансан.

— Нега ундай дейсиз? — иззат-нафси оғринган Камол Самадни жеркиб ташлади.

— Ҳали сирканг сув кўтармай қолдимми. Отангга айтсам-ку, мулла килиб қўяди.

— Айтсангиз айтаверинг, кўрқмайман, — деди Камол.

Азим эса иккаласининг гурунгини бошидан охиригача тинглаб ётарди.

Ўғлининг тоққа чиқишидан, отасининг кўнглига қараб иш қилишидан ўзга ҳам сабаблари борлигини энди англаган бўлса-да, лекин бундан ранжимади. Аксинча, у ўғлига нисбатан илгарилари жуда шафқатсиз бўлганини ҳис этди. Камол бугун унинг кўз ўнгида балoғатга етган, орияти кучли, ажойиб йигит бўлиб гавдаланди. Демак, бир замонлар ўзини банд этган ҳаётнинг катта ташвишлари энди ўғлига қўчибди. Бу ҳаёт ташвишларининг илк шабадалари шу ёввойи тоғ чўққиларига ўғли билан ҳамроҳ бўлиб келибди. Самад билан суҳбатда илк дафъа ёлқинланган орият ўти унинг кўзларида порлаб турибди. Ана шу ориятни биринчи бор дадил туриб химоса қилди. Ўғлининг дадиллиги ва журъати Азимни қувонтириб юборди.

— Самад, гапларинг мунча совуқ-а? — деди у ўрнидан тураркан. — Камол, ўғлим, гулханга ўтин ташла, гуриллаб ёнсин, — Азим вазмин бўлишга уринарди. — Совқотдим...



# “МИРЗО УЛУҒБЕК” ЯНА САҲНАДА

**Ўз даврининг буюк давлат арбоби, Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг бир қисмини қирқ йил давомида барқарор сақлаб, беқиёс бунёдкорлик ишларини амалга оширган, айни чоғда фалакиёт илмида ўз даврдан бир неча аср илгариллаб кетган улкан олим Мирзо Улуғбек қиёфаси Ўзбек миллий академик театри саҳнасида яна қайтди.**

Спектаклни атоқли адиб Мақсуд Шайхонданнинг “Мирзо Улуғбек” фоҳиаси асосида Ўзбекистон санъат арбоби, таниқли режиссёр Олимжон Салимов саҳнага кўйди. Шоҳ ва олим, донишманд ота ва юрт тинчилиги, фуқаро фаровонлиги қайғусида яшаган адолатли ҳукмдорнинг олам ва одам ҳақидаги фалсафий мушоҳадлари ҳар бир давр учун эскирмас мавзу бўлиб, томошабинни ўзига жалб этиши шубҳасиз. Маълумки, О.Салимов маъзур спектаклни дастлаб Самарқанд вилоят театрида саҳналаштирганди. Миллий театрда эса режиссёр драмага бироз бошқача ёндашишга ҳаракат қилди. Бироқ ҳар икки ҳолатда ҳам “Мирзо Улуғбек” фоҳиасининг асосий гоёси ўзига хос тарзда очиб

берилган. Бир сўз билан айтганда, Ўзбек миллий академик театрининг мавқеига мос яхши бир саҳна асари юзга келди.

Спектаклнинг ҳар икки таркибида ҳам бош қаҳрамон — Мирзо Улуғбек образини таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов юксак маҳорат билан ижро этмоқда. Театрнинг таниқли актёрлари Фатхулла Маъсудов ва Асадилло Набиев Абдуллатиф Мирзо, Яйра Абдуллаева, Рихси Иброҳимова, Муқаддас Холиқова Гавҳархонбегим, Лола Элтоева ва Дилноза Кубаева Фирюза, Саидкомил Умаров ва Маҳмуд Исмоилов Шайхулислом Бурхониддин, Муҳаммадали Абдуқундузов ва Қаҳрамон Абдурахимов Саид Обид каби образларни имкониятларидан келиб чиқиб, турлича талқин қилганлар. Спектаклдаги бошқа роллари ҳам театрининг тажрибали ва ёш актёрлари маҳорат билан ижро этмоқда.

Саҳна беэаклари муаллифи, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Бахтиёр Тўраев ва либретто расмони Лобар Турсунова ишлари асарнинг асосий гоёсини очиб беришда муҳим аҳамият касб этган.

## Янги томоша



да, машаққатли изланишни талаб этади. Самарқанд театри ва бизнинг жамоа ишларини кўриб, Олимжон ака мана шундай хислатлар эгаси эканига ғувох бўлдим. Мумтоз саҳна асарига, Мақсуд Шайхондадек адиб драмасы асосидаги спектаклда рол ижро этиш ҳар бир актёр учун шарафли ва масъулиятли иш. Фирюза образи устида иш бошлашдан олдин устозларим Яйра Абдуллаева, Рихси Иброҳимова, Сайёра Юнусова билан маслаҳатлашдим. “Бу қиз Улуғбекни оддийлиги, самимиёлиги, билимга чанқоқлиги, ақли билан ром этган, — дедилар Яйра олам. — Кумуш бошқа, Гули бошқа, Фирюза бутунлай бошқа олам”. Устозимнинг бу сўзлари изланишларим асосини белгилаб берди.

**Асадилло НАБИЕВ,**  
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**  
— Асарни ўқиган бошқа, унинг саҳна талқинини кўрган бошқа. Шу маънода “Мирзо Улуғбек”нинг саҳналаштирилгани улғуш бўлди. Фарзандларим спектаклни кўриб, воқеаларга муносабат билдирганида буни яққол хис этдим. Очиғи, бундай спектаклларда рол ўйнашни ҳар бир актёр орзиқиб кутади. Чунки ижод мумтоз асарлар ижросида чархланади. Бундай асарлар, Абдуллатиф каби образлар актёрлар учун тенгсиз мактаб. Аввало, асарни моҳир режиссёр саҳнага кўйгани катта гап. Энг муҳими, Эркин Комиловдек катта санъаткор билан ишлаш ниҳоятда завқли ва масъулиятли бўлди.

**Дилноза КУБАЕВА,**  
**актриса:**

— Фирюза ролини ижро этганим менинг бахтим, омадим. Лола опадек актриса билан дублёр бўлиб ишлаганимдан хурсандман. Репетиция жараёнида жуда қизиқarli ўтди. Хамма бирдек завқланиб, ёним ишлади. Эркин Комиловдек актёрнинг рўпарасида да туриб рол ижро этишининг ўзи катта мактаб. Эркин ака Мирзо Улуғбек қиёфасида мени ишонтирди, далда берди. Бошқа актёрлар ҳам бир тан, бир жон бўлиб саҳнада яшади. Менга саҳна декорациялари, мусиқа ҳам жуда ёқди.

Кеча Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан “Мирзо Улуғбек” спектакли маданият ва спорт соҳаси ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун намойиш этилди.

Гулчеҳра УМАРОВА

# “ТОЛИҚҚАН КЎНГИЛАР ОЙГА ТАЛПИНАР”

Республика Киночилар уйида “Ўзбекино” Миллий агентлиги биортомасига биноан суратга олинган “Толиққан кўнгила ойма талпинар” филмининг тақдими бўлиб ўтди.  
Собир Назармухамедов режиссёрлигидаги мазкур филмда бош ролларни Эркин Комилов, Карим Мирҳодиев, Тақдимот Мамасоли Юсупов, Тоҳир Миралиев, Дилором Каримова, Бернард Назармухамедов сингари актёрлар ижро этган. Филм воқеалари бир дастурхон атрофида жам бўлган уч дўст — Эркин, Шавкат ва Убайдулланнинг дўстона суҳбатидан бошланади.

Яшашдан маъно излаган, оддий тонлардан зериккан қаҳрамонлар тоғ хавосидан баҳраман бўлиб, кўнги ойма мақсадида қишлоқ томон йўл олишади. Тоғ бағридаги сирли тошнинг кўриши истаги ҳам уларга куч беради. Сафарда тошга элтувчи сўмоқларни беш кўлдек билладиган Шомил уларга йўлбошчилик қилади. Гаройиб ҳодисаларга дуч келган, турли қийинчиликлардан ўтган дўстлар йўл давомида ҳаёт ҳақида суҳбат қуришади, умрининг мазмун-моҳиятини англай бошлашади. Сермашаққат ва мароқли сафар чоғида гоҳ қулишиб, гоҳ

ийглашиб, кўзлаган манзилларига етишади.  
Картинани тасвирга олиш ишлари Ташкент вилоятининг Бўстонлик туманида бўлиб ўтгани сабабли жонжон ўлкамининг гўзал табиати, хушманзара ва бепоян кенгликлар, виқорли тоғлар салобати филм муваффақиятини таъминлашга хизмат қилган.  
Яшиллик ва эзу амаллар умрининг асл моҳияти эканини англаган қаҳрамонлар сингари филм томошабинни ҳам ушбу оддий ҳаёт ҳақиқатларидан огоҳ этиб, фалсафий мушоҳадага чорлайди.

В. ИБРОҲИМОВА

# БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ТАНГАЛАРИ

Ўзбекистон тарихи давлат музейида “Ўзбекистон Буюк Ипак йўли чорраҳаларида” номли кўрғазма очилди. Унда бир замоналар Шарқ ва Ғарбни бирлаштирган улғу савдо йўли тарихидан ҳикоя қилувчи ноёб экспонатлар намойиш этилмоқда. Эрамизда бўлган иккинчи асрдан XV асрнинг илк даврларигача муомалада бўлган тангалар кўпчилик диққатини тортмоқда. Греция, Колхидия, Македония Александр Македонский даврида ишлатилган, Буюк Ипак йўлида кенг муомалада бўлган қадимий тангалар, шунингдек Антиох, Диодот, Евтидем, Деметрий каби грек-бактрия ҳукмдорлари, хитойликлар зарб этган тангалар ҳам кўпчиликди қизиқиш уйғотиши табиий.  
Томага ёпиладиган хитой сопуларига тасвирланган Марказий Осиё отлари, бронза ойналари, безаклар, фил суягидан ишланган буюмлар, яшил шишадан тайёрланган сопол идишлар, араб ёзуви битилган идишлар, хумлар, кўзалар ҳам моҳирона яратилган. Қадимда Афросиёбада пахтадан тайёрланган матоларнинг нуҳсалари кўрғазма учун маҳсус тайёрланган. Ипак матоларнинг асл нуҳсалари Наманганнинг Мунчоктепа ёдгорлигидан топилган бўлиб, улар VI-VII асрларга тегишлидир.  
Кўрғазмадаги буддизм билан боғлиқ ноёб экспонатлар орасида Далварзинтепадаги будда эҳромидан топилган ҳайкаллардан фрагментлар ва бошқа кўплаб қизиқarli экспонатларни учратиш мумкин. Қадимий ёзма манбалардан намуналар ҳам муҳлисларни беэътибор қолдирмайди.

Бўстонлик туманидаги “Камолот” ёшлар оромгоҳида ўз иштини яқунлаган “Кино ва ёшлар” II республика форуми маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеалардан бўлди. Тадбирда киноижодкорлар, “Ўзбекино” Миллий агентлиги қошидаги Бадий кенгаши аъзолари, Ҳаракат фаоллари, талаба ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.  
“Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар дастури”га мувофиқ ташкил этилган форум давомида “Бадий кино: ҳолати ва истиқболлари”, “Бугунги ҳужжатли кино”, “Адабий сценарий — кино санъати асоси”, “Кинодебют — дастлабки қадам, қисқа метражли кино”, “Хусусий кино: ижод, имконият, истиқбол”, “Замонавий болалар киноси”, “Кинотехнология, кинотанқидчилик ва продюсерлик” секцияларида муҳокамалар ташкил этилди. Атоқли композитор Мутал Бурхонов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан суратга олинган “Охангларда яшайман ҳамон” ҳужжатли филми, режиссёрлар Ё.Тўйчиёвнинг “Масъума”, А.Узоқовнинг “Қузда гуллаган да-

Л. ЛЕВТЕЕВА

**Замонавий тасвирий санъат ҳақида сўз борганда, аскар томошабинлар янги ижодий оқимлар, шақлий жиҳатдан ноанъанавий ёндашув ва ечимларни тушунишга одатлангани рост. Гарчи бу ижодий тараққийнинг ажралмас қисми ҳисобланса-да, “замонавий санъат” дея аталувчи бадий воқеликни англаш учун янада теран нигоҳ зарур. Негаки, замонавий рассом ҳамиша реал ҳаёт билан алоқада, унинг ижодий ишлари жамият ҳаётига дахлдор ижтимоий-маънавий масалалар билан ҳамнафасликда дунёга келади. Шу боис ҳам уларни “contemporary art”, яъни “долзарб санъат” номи билан аташ урфга кирган. Пойтахтимизда ўтаётган “Замонавий санъат кўрғазмаси” ҳам муҳлисларни янги изланишлар билан таништириш баробарида жиддий мавзуларда мушоҳада юритишга чорлайди.**

Кўрғазмада эллиқдан ошиқ истеъдодли рассомлар иштирок этаётгани ижодий ишлар кўлами ва жуғрофиясини кенгайтирган. Муаллифлар орасида МДХ мамлакатлари, Хитой, Мароқаш, Тунис сингари давлатларнинг рассомлари борлиги кўрғазма халқаро миқёсдаги йирик санъат анжумани даражасида ўтказилаётганидан далолат беради. Тўғри, тасвирий санъатнинг анъанавий жанрларидаги кўрғазмаларга кўниккан томошабин учун инсталляция, видеоарт, фото-арт, перфарманс сингари замонавий йўналишлар турли услублар уйғунлигида яратилган ижодий лойиҳалар қутилмаган янгилик бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ мавзулар глобал аҳамиятга эгалиги, ижодий ва технологик жиҳатдан қизиқarli ечимларга бойлиги муҳлисларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Айниқса, Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида очилган катта намойишнинг кўлами ва мазмуни эътиборни жалб этади.

Намойишлар залига қадам қўйишнинг ҳамона истеъдодли мусаввир Жамол Усмоновнинг “Сурия. Ўтмиш ва келажак орасида” ижодий иши билан юзлашасиз. Бугун дунё ҳамжамиятининг диққатида турган жиддий муаммоларга ўзбек рассомлари ҳам эътиборсиз эмаслиги муҳим воқеа. Кўрғазма залининг меъморий хусусиятларидан умумий фойдаланган Ж.Усмонов содда, айни пайтда таъсирли ифода усулини топишга эришган. Зал-

## Ўзбекистон ва жаҳон

нинг марказий шифти узра уруш баддийдари айланиб қолган жажжи боларий кўрғазма акс этган фототасвирлар ўрин олган. Асосий эътибор болаларнинг нигоҳларига қаратилиб, улар бошдан кечирган қийинчиликлар, азоб-укубатлар руҳий ҳолат орқали кўрсатилди. Кичинтойларнинг беғубор қиёфалари гўё биздан узоқлашиб, тенага интилиб бораётгандек таъсурот уйғонади. Бунда миллат келажакни бой берилётганга ишора бор.

Уруш фожиалари, диний ва ижтимоий зиддиятларнинг инсон суварти ва сийратидеги асорати фаластинлик ижодкор Сама Ал Шабининг “Икки дарё оралиғида” фото асарларида ҳам таъсирчан лавҳаларда акс этган. Рассом мавжуд муаммога шафқатсиз ҳаёт синовларига дуч келган аёл сиймосида назар солади. Оғир аҳволда қолган аёл қиёфаси тўғридан тўғри, кескин кўринишда ифода этилгандек туюлса-да, барча суратлар замирида чуқур маъно бор. Ачиниш туйғусини уйғотувчи тасвирлар замирида аёл қалбида, ҳамда жамият ичида юз бераётган зиддиятлар акс этади. Шартли эстетик мезонларни четлаб ўтиш орқали рассом чуқур ҳақонийлик ва таъсирчанликка эришиш билан бирга, рамзий-фалсафий ифодаларни ҳам топган.

Тинчлик йўлида тўсиқ бўлаётган миллий ва худудий зиддиятларни енгиб ўтишга интилиш молдавйлик рассом Штефан Русунинг “Чегарадаги галаба” инсталляцияси учун ҳам бош мавзу. Ижодкор мавжуд муаммога туғилиб ўсган мамлақати мисолида назар солиб, уни таҳлил қилади. Юртдошлари акс этган фотоларда ижтимоий кайфият очиб берилса, одам бўйи келадиган икки кўзли дурбин макети турли шубҳалар, ишонсизлик рамзига айланган. Эътиборли жиҳати шундаки, инсталляцияда қўлланган харита, ҳужжатли фотолар орқали рассом миллатлараро зиддиятлар узоқ тарихга эгаллигини ва дунё бўйлаб

илдиз отишда давом этаётгани ҳам кўрсатади.  
Кўрғазмада оммавий маданият, унинг жамият ҳаётига таъсири мавзуга ҳам кенг ўрин берилган. Хар бир ижодкор ахборот асрига хос бўлган жараёнларга ўзгача ёндашишга уринади. Масалан, қозғоғистонлик рассом Аристанбек Шалбаевнинг “Кўнги орузлари” фото туркумида бўм-бўш хонадаги ёлғиз болалар қиёфасини кўраимиз. Нимадандир ҳадиксираб, кўриб турган болалар эғнида шоу-бизнес юлдузлари, машхур тарихий шахслар сурати акс этган. Рассом бу ифода орқали ҳозир ҳар бир боланинг ўз яхши кўрган қаҳрамони бор ва уларнинг маънавий олами адабиёт

# ЗАМОН ВА МУСАВВИР МУЛОҚОТИ

ёки санъат таъсирида эмас, балки замонавий ахборот воситалари, турли сайтлар замирида шаклланаётгани ҳақида сўз юритган. Қоронги ва бўш хоналар аслида янги авлод вакилининг ички дунёсига ишора.

Санжар Жабборовнинг “Бурчак” видеоарти ҳам оммавий маданият билан боғлиқ ахборот хуружига бағишланган. Икки томонли экранда ўрта асрлар миниатюрасидан иқтибос қилиб олинган овчи тасвири акс этади. Унинг бош қиёфаси ўзгартирилиб, бирда оддий одам, бошқасида аскар пайдо бўлади. Тасвирлар алмашинуви замирида реал воқелик маълум мақсадга бўйсундирилиб, овчи қиёфасида аскар яширинаётгани фож этилган. Аммо бу йағма тасвирлар ўртасида етарли даражада уйғунлик топилмаган, назаримизда. Ўрта аср миниатюраси, овчи, аскар, ахборот канали... Улар видеоартининг умумий қиёфасида алоҳида мазмун бўлаклари ажабли қолган. Ижодий концепцияси жиҳатдан “Бурчак”қа яқин турувчи Заур Мансуров ва Дмитрий Лигайнинг



“Мехроб” инсталляциясида эса, аксинча, шакл ва мазмун уйғунлигига эришилган. Бироқ лойиҳа билан яқиндан танишиш жараёнида “Муаммога гоёвий жиҳатдан бирёклама ёндашилмаганими?” деган савол туғилди. Рассомлар машхур “Facebook” ижтимоий тармоғини бутта қиёслаш орқали ахборот воситалари янги давр одамларнинг ўзига хос эътиқодига айланиб бораётганидан огоҳлантиришган. Инсталляция марказидаги лавҳа китоб ўрнини планшет эгаллагани ҳам буни очиб таъкидлаш-да, ҳар қандай янгилик ижобий ҳамда салбий томонларга эгаллигини инкор қилолмаймиз. Чунки ижтимоий тармоқларнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни тобора ошиб бораётгани инсталляцияда кўрсатилган даражада катта муаммо туғдирмаслиги ҳам мумкин.  
Замонавий санъатта хос бадий ва техник ёндашувларни кўлаш жара-

Ўзига хос умор ва реализм билан йўғрилган ишларда давр руҳи, одамлар кайфияти интилишлари ифодаланади. Шунингдек, Бобур Исмоиловнинг “Чехра” видеоарти, украинлик рассом Олег Харченконинг “Украин ва ўзбек тилларидаги параллелизмлар” мавзусидаги туркум ишларида ҳам замонавий санъатта хос ечимлар халқона анъаналар, мумтоз санъат билан уйғунлашиб, янги шакл ва мазмунга эврилади.

Намойишдан ўрин олган барча ижодий ишлар ёндашуви, муаллифлик дастхати билан ажралиб турса-да, ўзбек ва хориз рассомларини бирдек қизиқтирувчи мавзулар мавжудлиги кўзим воқеа. Уруш ва тинчлик, оммавий маданият, экология, аёллар тақдири, болалар тарбияси сингари долзарб масалалар талқинида янги изланиш ва тенденциялар ҳам намойиш бўлди. Жумладан, замонавий рассомлар орасида фото санъати, медиа воситаларга эҳтиёж қучайиб бораётгани сезилади. Ўзбек рассомларининг изланишларида эса ҳали тасвирий санъатнинг анъанавий йўналишлари таъсири кучли. Бунга замонавий санъатимизга хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Зеро, ўзбек ижодкорлари янги тажрибаларни ўрганиш билан бирга миллий анъаналар, бебаҳо шарқона қадриятларни сақлаб қолишни истади. Бу аслида, миллий ва умумбашарий қадриятларни бириштиришга қодир универсал бадий тил яратиш йўлидаги интилишларни ҳам ифодалайди. Хулоса қилиб айтганда, пойтахтимиздаги Марказий кўрғазмалар зали, Халқаро маданият карвонсаройи ҳамда Фотосуратлар уйида очилган кўрғазмалар янги ижодий изланишлар, уларнинг жаҳон ва ўзбек санъатидаги бугунги ҳолати ва истиқбол борадида аниқ тасаввур ҳосил қилишга имкон берди.

Ўз ахборотимиз

Азизхон ИМОМОВ

### ОЛМОН ҲУҚУҚЧИЛАРИГА ТУҲФА

Мустақиллигимиз шарафати туфайли жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан ҳар томонлама муносабатларимиз кучаймоқда. Адабий, маданий алоқалар бунга яхши мисол. Айниқса, Германия билан маданий мулоқотларимиз мунтазам равишда, изчил давом этаётгани кўзга ташланади. Жорий йилнинг бошида Берлин шаҳрида ҳазрат Алишер Навоийнинг 575 йиллиги муносабати билан халқаро илмий конференция ўтказилди. Илмий анжуманда Европанинг атоқли шарқшунослари қатнашди. Навоий асарлари нашрлари Германиядаги шарқшуносларга совға қилинди. Олмон олимлари ўзбек адабиётига оид тадқиқотларини давом эттиришмоқда. Шу ўринда И. Бальдауф, З. Клайн-михелнинг илмий ишларини алоҳида таъкидлаш даркор. 2016 йил 17-22 март кунлари Германиянинг бешта — Бонн, Берлин, Фрайбург, Оффенбург, Хайделберг шаҳарларида Навоий байрамига бағишланган учрашувлар бўлди. Уларда ўзбекистондан борган олимлар юртимиз, миллий ўрф-одатларимиз ҳақида сўзлаб бердилар.

29-31 август кунлари Фрайбург шаҳрида Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган учрашув ташкиллаштирилди. Бу каби учрашувлар ўзбекистонни жаҳонга танитишда дадил қадам бўлаётир.

Германиялик илм аҳлининг юртимизга қизиқиши ортиб бораётганида филолог олимларнинг хизмати катта. Уларнинг айримлари юртимизга келиб ўзбек халқ оғзаки ижодини ўрганмоқдалар. 2008 йили тадқиқотчи Г.Келлер ва олмоншунос олим Хуррам Раҳимов ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари бўйлаб илмий экспедицияда бўлиб, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида эртакчи бо-

лардан, момолардан 500 тача эртакчи ёзиб олган эдилар. Ёзиб олинган халқ эртакларидан 34 таси олмон тилига таржима қилиниб, 2016 йилда "Ўқитувчи" нашриёти томонидан "Оловдан чиққан қуш-қиз" номида, "Ўзбек сеҳрли эртаклари" рўқни остида нашр этилди. Бу эртаклар айтувчилар тилидан қандай ёзиб олинган бўлса, шу ҳолатда таржима қилиниб чоп этилган. Эртак қимдан ва қачон ёзиб олингани ҳам китобда тўлиқ кўрсатилган. Бунинг яхши томони шундаки, эртакларда ҳудудга хос шева хусусиятлари сақланиб қолган. Иккинчидан, айтувчининг чечанлиги, эртак оҳанги тўлиқроқ сақланган, эртак нафосатига пугур етмаган.

"Эркенжа", "Аждарқуш", "Сариқ ит", "Балиқ ака", "Кулойим", "Сеҳрли булок", "Уйқудга куйёв" каби эртаклар биринчи марта ёзиб олинган. Улар таржимода ҳам жонли тилда ёзиб олингандай жаранглайди. Бу эса, Германиялик ўқувчиларга, айниқса,

хориқлик тилимиз тадқиқотчиларига ўзбек тилини тэранроқ ўрганишда қўл келади. Таржимон Хуррам Раҳимов нашриёт билан ҳамкорлик қилиб, ёзиб олинган эртакларнинг қолганларини ҳам олмон тилида яна тўрт китоб ҳолида нашр қилдириш ниятида. "Ўзбек сеҳрли эртаклари"нинг беш китоб тарзида чоп этилиши олмонияликлар, умуман, олмон тилида сўзлашувчилар учун катта совға бўлади, ўзбек халқ оғзаки ижоди билан тегин танишувларига хизмат қилади, деб умид билдирамиз.


#### Янги нашрлар

#### "ҚАЛДИРҒОЧЛАР ҚЎШИҒИ"



Ҳамидулла Муродовнинг "Қалдирғочлар қўшиғи" тўплами "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида нашрдан чиқди. Китобдан она табиятнинг сеҳрли оламига доир эртаклар ўрин олган. "Мусича", "Қалдирғочлар қўшиғи", "Асалари" номли эртакларда табиат фарзандлари — хайвонларни асраб-авайлаш, уларга меҳр бериш зарурлиги, жониворларда ҳам ўрганишга эришли фазилатлар борлиги ибратли хулосалар орқали ўқитилди. Тўплам эртаклар маъмунига мос расмлар билан безатилган. Саргузаштлар дунёсига ошно этакдиган ушбу китоб эртасевар болалар учун ажойиб совғадир.

#### "ДЎППИ ҚИЙГАН БОЛАЛАР"



Болаларга аталган нашрлар эзгу тушунчалар, миллий қадриятларга хос ҳикматларга бойлиги, содда ва раvon тили, шунингдек, ранг-баранг тасвирлари билан жажжи китобхонлар қалбини ром этади. Улар хоҳ шеър, хоҳ ҳикоялар бўлсин, аввало, тағзаминида ўқувчи онгу шуурида яхшилик қилишга, аҳиллик ва меҳнатсеварликка ундовчи эзгу гоя мужжасам.

Ўзбекистон халқ устаси Набижон Қодиров ижоди нафақат кулолчилик, балки болалар адабиёти билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Унинг болаларга аталган шеърларидан таркиб топган "Дўппи қийган болалар" тўплами ("Jod-Press" нашриёти, Тошкент, 2016)дан ўқувчини мушоҳадага ундовчи қизиқарли, юморга бой шеърлар ўрин олган. Беғубор болалар йўл-хаёллари, шўхликлари "Олмазорда", "Уйинқароқ", "Совға" сингари шеърларда гўзал ифода этилган. "Устоз-шогирд", "Набирамиз" каби шеърларда эса катталарга ҳурматда бўлиш, панднасихатларига доим қўлоқ солиш лозимлиги чиройли тасвирлаб берилган.

Болалар тилида ёзилган оддий, шу билан бирга, сабоқ берувчи шеърлардан тузилиб, мавзуга мос тарзда безатилган адабий-бадий нашрни болалар кутубхонаси учун ажойиб туҳфа, дейиш мумкин.

#### "ЁШЛИК"

Истиқлол — неъмат, неъмат бўлганда ҳам азиз ва муътабар неъмат. Бугун бунга шукр қилиш керак, деган камлик қилади, бинобарин, садоқат кўрсатмоқ "Лозим", деб ёзади Собир Умар Бразилияда ўтган олимпиадада Ватанимиз байроғини юксакка кўтарган боксчиларимиз ҳақидаги "Ҳам эътироф, ҳам гурур" мақоласида.

Ўзбекистон халқ шоири Икбол Мирзониинг "Дунёни уйғотган болалар уйғоқ..." номли янги шеърлар турку-

#### Журналларни варақлаганда

ми, шоирлардан Ирода Умарова, Наргиза Одинаева, ёш қаламкаш Мансур Жумаевнинг шеърлари журналнинг ушбу сонидега босилган. Ашурали Журбаевнинг "Фусса", "Кетмон юзидagi ой", Р. Жабборов таржимасида берилган Нодар Думбадзенинг "Қўппак" ҳикоялари, Жак Ив Кусто ҳикматлари, Содиқ Норбоевнинг "У" номли эссеси журнал мундарижасини бойитган, салмоқ бағишлаган асарлардан.

"Қўлзма", "Нигоҳ" рўқнарида атоқли устозларимиздан Зулфиянинг "Хулқарга" шеърлар дасхати, Озод Шарафиддиннинг умр лаҳзалари муҳрланган фотолар, олим ҳақида замонадошлари хотираларидан иқтибослар берилган. Олим Тошбоевнинг "Бадииятга кўчган замон сурати" мақоласи "сўзи ва амали бир бўлган ёзувчи Шукур Холмирзаев" ҳақида.

Ёзувчи Шодиқул Ҳамронинг ёш ижодкорлари ўқиш учун тавсия этган китоблар ҳақидаги мухтасар фикр-мулоҳазалари, Саъдулла Куроновнинг ёш шоира Наргиза Одинаевага янги шеърлий тўплами муносабати билан йўллаган мактуб-мақоласи ҳам "Ёшлик"нинг ушбу сонидаги ўқишли асарлар сирасидан.

### ШОИР ВА ҚЎШИҚЧИГА НОБЕЛ МУКОФОТИ



Адабиёт бўйича 2016 йилги Нобел мукофоти "Америка қўшиқчили аъёналари доирасида янги поэтик ифода усуллари яратгани учун" америкалик шоир, адиб ва қўшиқчи Боб Диланга берилди. Кунга кеча бу ҳақда Швед академиясининг доимий котиби Сара Даниус маълум қилди. 2016 йилги Нобел совриндорининг эълон қилиниши мукофотнинг расмий сайтыда тўғридан-тўғри эфирга узатилди.

Машҳур япон адиби Хараки Мураками, кениялик ёзувчи Нгуи Ва Тхонго, норвег драматурги Юн Фоссе, америкалик классик Филипп Рот ва суриялик шоир Адонис ҳақида америкалик носир Дон Делило ҳам мукофотга номзодлар рўйхатининг энг олдинги сафиде туришган бўлса-да, омад Боб Диланга қулиб боқди.

Боб Дилан рок-музиканин ийрик намояндаларидан. У замонавий қўшиқчилик санъатида катта обрў-эътиборга эга. Унинг айрим қўшиқ ва композицияларидан АҚШдаги фуқаролик ҳуқуқлари учун кураш ҳаракати қатнашчилари кенг фойдаланишган. 75 ёшли Дилан ўн марта "Грэмми"

мукофотига, 2000 ва 2001 йилларда эса "Вундеркиндлар" филмидаги қўшиқлари учун "Оскар" ва "Олтин глобус" мукофотларига ҳам сазовор бўлган.

Боб Дилан шоир, расмон, киноактёр ҳамдир. Сара Даниуснинг шарҳлашича, адабиёт соҳасидаги янги совриндор инглиз адабий аъёналарини давом эттирган улғу шоирдир. Унинг айтишича, бу йилги танлов қўшимча-қўшимча бўлиши мумкин. Бироқ Хомер ва Сафо қаламига мансуб шеърлий матнлари ҳам қўйга солиб ижро этиш мумкин бўлганидек, Боб Дилани ҳам ўқиш керак экан.

Боб Дилан 1941 йил 24 майда АҚШнинг Миннесота штатидаги Дулут шаҳрида туғилган. Миннеаполис штати университетиде тахсил олган йиллари америка фольклорининг етакчи намояндалари ҳамда халқ оғзаки ижодини катта иштиёқ ва чуқур эҳтиром билан ўрганади. Севимли инглиз шоири Дилан Томас шарафига ўзига Боб Дилан деган тахаллус олган.

1971 йили Боб Диланининг "Бий" номли романи нашр қилинган. Шу йили у Бангладеш халқи учун Жорж Харрисон концертини ташкил этишда қатнашади. Унинг кўплаб қўшиқлар албомлари ҳам чиқарилган.

Адабиёт соҳасидаги 2016 йилги Нобел мукофотини тантанали топшириш маросими шу йил 10 декабрда Стокгольм шаҳрида бўлади. Бу йилги мукофот пули саккиз миллион швед кронасини ташкил этади.

**МУАССИС:**  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

**ҲОМИЙ:**  
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЈАОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

**Манзил:** Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона — 233-52-91  
Котибият — 233-49-93

**Электрон манзил:**  
uzas.gzt@mail.ru


Таъқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86  
Санъат бўлими: 233-56-40  
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Назм ва наср бўлими: 233-58-60

### Турсунбой АДАШБОЕВ Болалар бекати БОБО ВА НАБИРАЛАР



Болаларнинг ўзидайин содда Сиз, Ором билмас, гўё чопқир отда Сиз, Доим бирдай, турланмайсиз ўша Сиз, Сўхбат чоғи эҳтиросдан жўшасиз.



— Йўқ, бўлмади, йиғитлар, Кенжамиз, келинлар. Энди битта улўвга, Икки киши мининлар.

Кўпқарининг боғчися, Ташвишланиб аланлар. Энди бўлса, битта той Етмай қолди, қаранлар...

Бошлиқ муҳтож ёрдамга, Дўстлар, айни замонда. Қанча бола ва тойчоқ Уйнар дала томонда?..

#### БОБО, ҚАНЧА ЁШАСИЗ?

— Бобо, кенжа набирангиз, Неча ёшга чиқди ҳозир?  
— Кенжам Назир, Мен қанчага чиққан бўлсам, Шунча ойлқ бўлди, бўтам.  
— Сиз қанчага чиқдингиз? — Қизиқиб сўрар Жавлон.  
— Етмиш саккиз ёшга чиқдик, Набирамиз икковлон.

#### ЕТМАЙ ҚОЛДИ...

Кўпқарига ҳозирлик, Қизин дала томонда. Улоқчилар бошлиғи Бўйруқ берар шу онда.

— Ҳар бир тойга биттадан, Минсин абжир чавандоз. Ана шунда укалар, Улоқ бўлар қувноқ, соз.

Топшириқни болалар Бажардилар тез, шу чоқ. Аттанг, битта ўлўвга Етмасдан қолди тойчоқ.

### МЎЙҚАЛАМ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Таниқли расмон, Ўзбекистон Бадиий академияси қумуш медали соҳиб, кўплаб халқаро ва республика миқёсидаги кўргазмалар қатнашчиси Абдували Мўминов пойтахтимиздаги Фотосуратлар уйида шахсий кўргазмасини ташкил этди. Мазкур кўргазмага устоз-расмоннинг 50 дан зиёд асарлари қўйилган.

А.Мўминов ҳаётда яхши устозлар кўп бўлди, лекин Анатолий Рашковгина унинг ўз йўлини топишда, ижодий "мен"ига интилишида катта ёрдам берди, ижод жараёнида нилаларга эътибор бериш лозимлиги

ҳақидаги ўғитлари бир умр ёдида қолди. Асосийси, ижодкор ўз устиде кўп ишлади, тинмай изланди, ўқиди. Айниқса, Рерих, Ван Гог, Айвазовский, Тансиқбоев каби улўғ расмон ижодини чуқур ўрганиши унга катта мактаб бўлди.

Тинимсиз меҳнат, изланиш эвазига ўз услубига эришди. Бугун А.Мўминовни ўзбек тасвирий санъатида ўзига хос олам ярате олган ижодкор сифатида яхши билишади. Устоз расмон "Гуллар" ва "Гултожи-хўроқ" асарлари учун Москвадаги "Қадимги дунё" халқаро академия-

сининг академиғи этиб сайланган. Францияда ўтган халқаро кўргазмада мукофотга сазовор бўлган. Россия график расмонлари билан ҳамкорликда Тува ўлкасида ижодий сар-



#### Кўргазма залларида

фарда бўлиб, қирққа яқин асарлар билан қайтган. Р.Аҳмедов, Н.Қўзибоев, Т.Аганесов, М.Саидов каби юртимизнинг таниқли расмонлари А.Мўминов асарларига юқори баҳо берганлар.

Расмоннинг манзара ва натюрморт жанридаги асарларида юртимизнинг саховатга бой табиати ҳассослик билан тасвирланган. Томошабин кўз ўнгида Тошкент ва Филоннинг меҳр билан қизилган манзаралари, турли-туман кўчалари, одамларнинг турмуш тарзи намён бўлади. "Натюрморт", "Қирмизи куз", "Ойдин кеч", "Бароқхон мадрасаси", "Патирли натюрморт", "Искандарқўл", "Кечки Чимён", "Янгибодда куз", "Зангори қўл" асарлари фикримиз далилидир.

Айни кунларда А.Мўминов истиқлол берган имкониятлардан умнмил фойдаланиб, мустақил юртимиз манзаралари, баррикенг, меҳнаткаш халқи ҳаётини, орау-умидларини акс эттирувчи асарлар устиде изланмоқда.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ, санъатшунос олим

### ЁНФИНДАН САҚЛАНИНГ

Юртимиз фуқаролари ҳамда давлат мулкани асраб-авайлаш, турли тажовуз ва офатлардан ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Айниқса, олов — "тилсиз ёв"нинг вайронкор кучи ҳалигача тўла жиловланган эмас. Ёнғин сабабли ҳар йили дунё бўйлаб минглаб одамлар бошпанасиз қолади, саломатлиғидан айрилади, ҳаётдан бевақт кўз юмади. Корхона ва турли ташкилотларнинг биноларида содир бўладиган ёнғинлар эса кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, иқтисодиётга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

#### Оғоҳлик

Шундай кўнгилсизликларга йўл қўймастик учун ҳар биримиз ёнғин келиб чиқиши мумкин бўлган сабаблардан доимо оғоҳ бўлмоғимиз зарур. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бериш билан бирга фуқароларимизга ёнғин келиб чиқишига кишиларнинг бепарволиги, лоқайдлиги сабаб бўлишини уй-жайлар ва турли муассасалар ўт ичиде қолаётгани мисоллар ёрдамида тушунтириб беришмоқда.

Айниқса, ёш болаларни қаровсиз қолдириш аҳоли турар жойларида ёнғинга олиб келувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, ота-оналар фарзандларини оловдан эҳтиётлаб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ҳам ўргатиб бориши мақсадга мувофиқ.

**Ҳамиджон НОСИРОВ,** ёнғин хавфсизлиги алоҳида пост инспектори

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси

**Олимжон ХОЛДОР**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Хусан Содиковга онаси **ЗУХРИ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"Муштум" журналы жамоаси тахририят бош расмони Хусан Содиковга онаси **ЗУХРИ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тахририят келган қўлзмалар таҳлил этилмайдил ва муаллифларга қайтарилмайдил. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.

**Бош муҳаррир**  
Сирожиддин САЙИД

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир — Гулчехра УМАРОВА  
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонаси.  
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй  
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.36

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 3509. Бюуртма S — 7229. Ҳажми — 3 босма табақ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

**ЖУМА КУНЛАРИ** ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2183-614X

9 772183 614000